

Ҳуда-бекедага ихтилоф чиқариш Исломга ва мусулмонларга зарар етказади | Ҳадис дарслари (317-дарс)



19:00 / 12 февраль 993

???? ??????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ????
?????? ??????? ?????? ?????? ??????? ?????? ???????
?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ???????
????????? ??????????. ?????? ????????????????.
???????????

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади.

У киши айтадилар:

«Ким бир ракъат намоз ўқиса-ю, унда «Уммул Қуръон»ни ўқимаса, намоз ўқимабди. Магар имомнинг ортида бўлса (ўқимасин)».

Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.

Шарҳ: Бу ривоятда имомнинг ортидан Фотиха сурасини ўқиб бўлмаслиги айтилмоқда.

Лекин жумхурнинг, хусусан, Ҳанафийларнинг кучли ҳужжатлари булар эмас. Уларнинг энг кучли ҳужжатлари Аллоҳ таолонинг ушбу ояти каримасидир:

«Қачонки Қуръон қироат қилинса, уни эшитинглар ва жим туринглар».

Демак, имом қироат қилаётганида иқтидо қилувчилар жим туриб, тингламоқлари лозим.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон имом такбир айтса, такбир айтинглар ва қачон қироат қилса, жим туриб, тингланглар», деганлар.

Ибн Можа, Дора Кутний, Табароний, Ибн Ҳиббонлар Жобир ибн Абдуллоҳ, Ибн Умар, Абу Саъийд ал-Худрий, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос ва Ибн Молик розияллоҳу анҳумдан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким имомнинг ортидан намоз ўқиса, имомнинг қироати унинг қироатидир», деганлар.

Имомлар ўзларига етиб келган далиллар асосида ижтиҳод қилиб, ўзларига яраша савобларини олиб кетганлар. Уларнинг ижтиҳодлари самарасидан фойда олаётганлар имомларининг ҳақларига дуо қилиб, ўз мазҳабларига амал қилишда давом этаверганлари маъқул.

Умумий шаръий қоида шу. Ҳуда-бехудага ихтилоф чиқариш эса Исломга ва мусулмонларга зарар етказади, холос.

Умум ҳалқ ўзи эргашаётган мазҳабга амал қилса, ҳадисга амал қилган бўлади. Мақсад шу бўлганидан кейин ихтилофнинг нима кераги бор!?

Имом Шофеъий амал қилишда бир ҳадисни олган бўлсалар, бошқа имомлар бошқа ҳадисларга амал қилишни олишибди. Ана шунга амал қилиш матлуб. Шунингдек, бошқа мусулмонлар билан ихтилоф қиласлик ҳам матлубдир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.